

## **УЮШМАГАН ЁШЛАРНИ ҲАЁТГА ТҮҒРИ ЙЎНАЛТИРИШДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

**Абдираҳмонов Л.Л**

(УрДПИ, ўқитувчи)

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадирятларимизга хурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди<sup>4</sup>.

Хозирги вақтда бизнинг Ўзбекистонда ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга, аҳолининг умумий жисмоний маданиятини ошириш масалаларига жиддий еътибор берилмоқда. Шу сабабдан ҳам жисмоний маданиятга катта аҳмият билан қараймиз, чунки у ёшларнинг соғлигини мустаҳкамловчи ва жисмоний имкониятларини оширувчи муҳим омиллардан биридир.

Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги обрў-еътибори фарзандларимизнинг авваламбор униб ўсиб, улғайиб қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқ<sup>5</sup>.

Шу каби жиҳатларни эътиборга олган холда аҳолининг кенг қатлами, айниқса ёшлар онги ва қалбида мустақиллик ғоясига, юқори маънавият ва инсонпарварлик анъаналарига садоқат туйғулари янада чуқур илдиз отиши, радикализм ва экстремизмдек ёт ғояларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш, жамиятнинг ўсиб келаётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини таъминлашга йўналтирилган маъданий-оммавий тадбирлар ўтказишни доимий ташкил этишни йўлга қўйишимиз лозим.

Бундай ишларни йўлга қўйишининг пировард мақсади болалар, айниса қизларни спорт билан шуғуланишга кенг жалб этиш, болалар спортнини ҳар томонлама ривожлантириш, болалар спорт таълими сифатини ошириш орқали барча ҳудудларда болалар спорт обьектлари тармоғини янада кенгайтириш, шу асосда кўзланган асосий мақсад ўсиб келаётган ўсмиirlар ва қизларнинг соғлигини мустаҳкамлаш ва барқарор жисмоний ривожланишини таъминлаш<sup>6</sup>ни ўз ичига олади.

Биринчи президентимиз, мустақиллигимиз асосчиси И.А.Каримов айтганидек, биз фақатгина бугунги кунни емас, балки эртамизни, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз керак. Бугун биз хато қилиб қўйсак, фарзандларимиз келажакда қоқилиб қолишини ҳисобга олмасак, бу катта-гunoҳ бўлади<sup>7</sup>

Мамлакатнинг эртанги ҳаракатлантирувчи асосий кучи бўлган ёшларини соғлом ва жисмонан баркамол бўлиши ҳар бир эртанги кунидан умид қилиб яшайдиган

<sup>4</sup> O'zbekiston respublikasi prezidentining "Yoshlarga oid davlat siyosati samaradorligini oshirish va O'zbekiston yoshlar ittifoqi faoliyatini qo'llab-quvvatlash to'g'risida"gi farmoni. 2017 yil 10 iyul. 13 b.

<sup>5</sup> I.A.Karimov,"Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch" Toshkent, "Ma'naviyat" 2008 y.

<sup>6</sup> O'zbekiston respublikasi prezidentining "Madaniyat va sport sohasida boshqaruv tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoniga sharh."Xalq so'zi" 2017 yil 17 fevral, 35 son, 2 b.

<sup>7</sup> I.A.Karimov, "O'zbekiston: milliy istiqlol, iqtisod, siyosat, mafkura". Toshkent, "O'zbekiston" 1996 y, 4b.

миллат ва халқ учун хосдир. Ўзбекистон ахолисининг кўпчилик қисми ҳозирги кунда қишлоларда яшашларини эътиборга олган холда бу ерларда истиқомат қилаётган ёшларнинг уюшмаган қатламини жисмоний тарбия ва спорт сексияларига жалб қилишимиз лозим. Ҳозирги кунда айниқса қишлоларда истиқомат қилаётган аҳолининг кўпчилик қисми спорт тўгаракларига қатнамайди, бунинг бир қанча асосли сабалари мавжуд:

- қишлоқ ахолисининг, айниқса қизларнинг спорт залларига келишга уялиши;
- мавжуд спорт залларида аёл мураббийларнинг камчиликни ташкил қилиши;
- кўпчилик спорт сексияларининг узоқда жойлашгандиги.

Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакиллантириш, аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғларини камол топтириш, шунингдек, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ишларини тизимли ташкиллаштириш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда<sup>8</sup>.

Ҳар бир маҳаллада спортга йўналтирилган сексияларини ташкил қилишимиз лозим. Бу ерда аҳолининг барча қатлами, айниса ўқиши ва меҳнат фаолияти билан банд бўлмаган ёшларни тош кўтариш, армрестлинг, шахмат, шашка ва стол тенниси каби спортнинг оммавий турларига жалб қилиб вақтини қамраб олсак ижобий натижаларга еришишимиз мумкин. Ўзбекистонда жисмоний тарбияни ташкил етишнинг икки: давлат ва жамоа-ҳаваскорлик шакли мавжуд<sup>9</sup>. Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 3031сонли фармонида маҳаллаларда жамоатчилик асосида спорт тарғиботчилик ишларини ташкил қилиш борасида кўрсатма бериб ўтилган. Машғулотларга рабар сифатида мактаб ва коллежларда фаолият олиб бораётган ўқитувчиларни жалб қилишимиз мумкин. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқароларнинг яшаш жойи ва дам олиш жойи бўйича жисмоний тарбия ҳамда спортни ривожлантириш учун шароитлар яратади, шу жумладан жисмоний тарбия ва спорт соасидаги мутахассисларни жалб етиш йўли билан шароитлар яратади<sup>10</sup>.

Бундай спорт сексияларни жамоатчилик асосида маҳалла фуқаролар йигинлари билан ҳамкорликда ташкил қилиш лозим, чунки бу ерда оиласи нотинч, хулки оғир ёшлар билан маҳалла фаоллари ва профилактика иниспекторлари ҳамкорликда ишлаш имкони мавжуд. Спорт сексияларини ташкил қилишдан кўзланган асосий мақсад

<sup>8</sup> O'zbekiston respublikasi prezidenti Sh.Mirziyoyevning "Madaniyat va sport sohasida boshqaruv tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmon."Xalq so'zi" 2017 yil 17 fevral, 35 son, 2 b.

<sup>9</sup> R.S.Salomov, "Jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubiyati", darslik 1 jild. Toshkent "ITA PRES" 2014 y, 32b.

<sup>10</sup> O'zbekiston Respublikasining Qonuni "Jismoniy tarbiya va sport to'g'risida" (yangi tahriri) 30 modda.

ахолининг уйишмаган қатламини ташкил қилувчи ёшларнинг еътиборсиз қолишининг олдини олиш, ахоли саломатлик даражасини ошириш ва қолаверса Ўзбекистон миллий терма жамоаларига спортнинг муайян турлари бўйича босиқчли равишда захира тайёрлаб боришни ҳам кўзда тутади.

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистон мустақилликга эришгандан кейинги давр ичидаги ёшлар масаласига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Ҳозирги кунга келиб ёшлар масаласида бир қатор фармон ва қарорлар ижроси таминланмоқда. Шу билан бир қаторда, замон шиддат билан ривожланиб бораётган бир даврда ёшларимизнинг бўш вақтларини тўғри ташкиллаштириш, ватанпарварлик рухида тарбияламоғимиз лозим.